07:15 Мультифильм
07:30 "Хулуа" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
08:30 "Қопқон" телевидио
08:30 11:00 15:20 21:00 "Хорриж хабарлари"
08:35 11:45 15:30 18:50 22:20 00:45 НТТда мусиқа
09:00 12:00 18:00 "Худудий хабарлар"
09:05 16:05 19:45 21:45 "Мухаббат иттиборлари" т/с
09:45 16:45 19:00 "Бизнес-промо"
10:00 "Пойтахт хабарлари"
10:05 "Тап" кунгилоҳар курсатуви
11:05 "Хаёт қадри" т/с
12:05 "Жаноб ҳеч ким" б/ф
14:00 "Қопқон" курсатуви
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
14:35 "Худудий хабарлар"
15:00 "Хулуа" ахборот-таҳлилий дастури

15:25 "НТТ спорт"
16:00 "Пойтахт хабарлари"
17:00 "Хазина" телешоувикторинаси
18:05 "Карина-Карина" т/с
18:30 "Боғлар худуди"
18:40 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
19:15 "Зие" студияси намойиш этади
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
21:05 "25-қадр" кинокурсатуви
21:30 "Долзарб мавзу" курсатуви
22:30 "Енма - ён" б/ф
премера
01:00 Тунги кинозал: "Эри хотин" б/ф (Ҳиндистон)

Чоршанба

03:00 Мумтоз наволар
03:30 "Зие" студияси намойиш этади
04:00 "Дийдор ширин" маданий курсатуви
05:00 "Майсариғнинг иши" б/ф
06:35 14:40 15:45 "Форум вақти"
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:55 20:25 "Онаник бахти" курсатуви
07:00 "Янги авлод"
07:15 Мультифильм
07:30 15:00 20:30 "Хулуа" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
08:00 "25-қадр" кинокурсатуви
08:30 10:05 11:00 15:20 "Хорриж хабарлари"
08:35 10:45 11:45 15:30 18:50 22:20 00:45 НТТда мусиқа
09:00 "Худудий хабарлар"
09:05 16:05 19:45 21:50 "Мухаббат иттиборлари" т/с
09:45 "Бизнес-промо"
10:00 "Онаник хабарлари"
10:30 16:00 "Пойтахт хабарлари"
10:35 Кутилмаган томоша
11:00 "Хаёт қадри" т/с
12:00 "Худудий хабарлар"
12:05 "Енма - ён" б/ф
14:00 "Яхши кайфият"
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
14:35 18:00 "Худудий хабарлар"
15:25 "НТТ спорт"
16:45 19:00 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоувикторинаси
18:05 "Карина-Карина" т/с
18:30 "Боғлар худуди"
18:40 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
19:15 "Зие" студияси намойиш этади
20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:00 "Тош ойна"
22:30 "Осмоғли болалар-1" б/ф
01:00 Тунги кинозал: "Темир олам - 2" б/ф

Пайшанба

03:00 Мумтоз наволар
03:30 "Зие" студияси намойиш этади
04:00 "Дийдор ширин" маданий курсатуви
05:00 "Мафруннингман" б/ф
06:30 15:45 "Форум вақти"
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:55 20:25 "Онаник бахти" курсатуви
07:00 "Янги авлод"
07:15 Мультифильм
07:30 "Хулуа" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
08:00 "Тош ойна"
08:30 "Хорриж хабарлари"

08:35 11: 09:00 14:35 18:00 "Худудий хабарлар"
09:15 15:30 18:50 22:20 00:45 НТТда мусиқа
09:05 16:05 19:45 21:50 "Мухаббат иттиборлари" т/с
09:45 16:45 19:00 "Бизнес-промо"
10:00 "Пойтахт хабарлари"
10:05 "Дийдор ширин" дам олиш курсатуви
11:00 "Хорриж хабарлари"
11:05 "Хаёт қадри" т/с (83-қисм)
12:00 "Худудий хабарлар"
12:05 "Осмоғли болалар-1" б/ф
14:00 "25-қадр" кинокурсатуви
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
14:40 "Форум вақти"
15:00 "Хулуа" ахборот-таҳлилий дастури
15:20 "Хорриж хабарлари"
15:25 "НТТ спорт"
16:00 "Пойтахт хабарлари"
17:00 "Хазина" телешоувикторинаси
18:05 "Карина-Карина" т/с
18:30 "Боғлар худуди"
18:40 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
19:15 "Зие" студияси намойиш этади
20:30 "Хулуа" ахборот-таҳлилий дастури
21:00 "25-қадр" кинокурсатуви
21:30 "Долзарб мавзу" курсатуви
22:30 "Граф монте кристо" б/ф
премера
01:00 Тунги кинозал: "Жумбоқ" б/ф (Ҳиндистон)

Жума

03:00 Мумтоз наволар
03:30 "Зие" студияси намойиш этади
04:00 "Дийдор ширин" маданий курсатуви
05:00 "Абдуллоҳон" б/ф
06:30 "Форум вақти"
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:55 20:25 "Онаник бахти" курсатуви
07:00 "Янги авлод"
07:15 Мультифильм
07:30 "Хулуа" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
08:00 "Таҳлил"
08:30 "Хорриж хабарлари"
08:35 10:45 11:45 15:30 18:50 22:20 00:45 НТТда мусиқа
09:00 "Худудий хабарлар"
09:05 16:05 19:45 21:50 "Мухаббат иттиборлари" т/с
09:45 16:45 19:00 "Бизнес-промо"
10:00 16:00 "Пойтахт хабарлари"
10:05 Хужжатли фильм
10:25 Кутилмаган томоша
11:00 "Хорриж хабарлари"
11:05 "Хаёт қадри" т/с (84-қисм)
12:00 "Худудий хабарлар"
12:05 "Граф монте кристо" б/ф
премера
14:00 "Тош ойна"
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
14:35 "Худудий хабарлар"
14:40 "Форум вақти"
15:00 "Хулуа" ахборот-таҳлилий дастури
15:20 "Хорриж хабарлари"
15:25 "НТТ спорт"
15:45 "Форум вақти"
17:00 "Хазина" телешоувикторинаси
18:00 "Худудий хабарлар"
18:05 "Карина-Карина" т/с (132-қисм)
18:30 "Боғлар худуди"

18:40 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
19:15 "Зие" студияси намойиш этади
20:30 "Хулуа" ахборот-таҳлилий дастури
21:00 "Хорриж хабарлари"
21:05 "Қопқон" курсатуви
22:30 "Осмоғли болалар-2" б/ф
01:00 Тунги кинозал: "Малика на жангилар" б/ф

Шанба

03:00 Мумтоз наволар
03:30 "Зие" студияси намойиш этади
04:00 "Дийдор ширин" маданий курсатуви
05:00 "Қичкина одамлар" б/ф
06:30 15:40 "Форум вақти"
06:45 Ешлар студияси: "Келажак билан юзма-юз"
06:55 11:30 19:45 "Онаник бахти" курсатуви
07:00 "Яхши кайфият"
07:30 "Хулуа" ахборот-таҳлилий дастури
07:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
08:00 Болалар соати
09:00 "Хорриж хабарлари"
09:05 "Мухаббат иттиборлари" т/с
11:15 16:00 19:50 00:45 НТТда мусиқа
11:35 "Осмоғли болалар-2" б/ф
13:30 "Дийдор ширин" мусиқа-дам олиш дастури
15:00 "Хорриж хабарлари"
15:05 "Элайсиғани" дастури
15:20 Кутилмаган томоша
15:35 "Пойтахт хабарлар"
16:45 "25-қадр" кинокурсатуви
16:45 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоувикторинаси
18:00 "Граф монте кристо" б/ф
19:00 "Бизнес-промо"
19:15 "Зие" студияси намойиш этади
20:00 "Парламент соати"
20:20 "Элайсиғани" курсатуви
20:30 "Озод шоу" кунгилоҳар курсатуви
01:00 "Харита" б/ф (Ҳиндистон)
01:00 Тунги кинозал: "14 шамир" б/ф

Якшанба

03:00 Мумтоз наволар
03:30 "Зие" студияси намойиш этади
04:00 "Тап" маданий курсатуви
05:00 "Масхарабо" б/ф
07:30 20:40 "Форум хабарлари"
07:30 Информацион блок
08:00 Болалар соати
09:00 "Мухаббат симфонияси" т/с
11:55 "Онаник бахти" курсатуви
12:30 "Озод шоу" кунгилоҳар курсатуви
13:00 "Харита" б/ф (Ҳиндистон)
16:00 НТТда мусиқа
16:15 "Тош ойна"
16:45 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоувикторинаси
18:00 "Граф монте кристо" б/ф
19:00 "Бизнес-промо"
19:15 "Зие" студияси намойиш этади
19:45 "Онаник бахти" курсатуви
19:50 Хафта спорти
20:00 "Йод лаззати"
20:25 "Элайсиғани" курсатуви
21:00 "Дийдор ширин" мусиқий дам олиш дастури
22:30 "Тубсиғ мовий денгиз" б/ф
00:45 НТТда мусиқа
01:00 Тунги кинозал: "Соломон Қайн" б/ф

Ривожланиш суръати

Пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида "Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларининг ривожланиш ҳолати ва истиқболлари" мавзусида брифинг ўтказилди. Мавзу юзасидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Ишанходжаев, "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари К.Юлдашев, "Ўздунробита" ҚҚ департамент бошлиғи Б.Назарзодалар маъруза қилишди.



Тадбирда эътироф этилганидек, мамлакатимизда телекоммуникация тармоқларини янада юксалтириш ва модернизация қилиш борасида қатор истиқболли лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Натижала алоқа инфратузилмаси жадал суръатларда тараққий топмоқда. Республиканинг туман марказлари даражасигача аналог русумдаги телефон станциялари замонавий, рақамли телефон станцияларига алмаштирилди. Оптик толали алоқа линиялари асосида юқори тезликдаги рақамли каналлар ташкил этилган бўлиб, тармоқни кенгайтириш ва ишончилигини янада ошириш бўйича ишлар олиб бориляпти. Яратилган инфратузилма симсиз технологиялар, жумладан, мобил алоқанинг кескин ривожланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда маҳаллий телекоммуникация тармоғи 2,0 млн. дан ортиқ рақамлар сифими билан 2 мингдан ортиқ АТС-

га эга, уларнинг 93,9 фоизи рақамлаштирилган.

Маҳаллий телекоммуникация тармоғини рақамлаштириш электралоқа тармоқлари фаолияти сифатини ошириб, тармоқ абонентларига янги хизмат турларини тақдим этишни таъминлади ҳамда кенг фойдаланувчилар доирасига интернет тармоғига юқори тезликда коммутацияли улашни ташкил этишга имкон берди.

Жорий йилнинг 2 июлидан провайдерлар учун интернет-хизматлари тарифлари 1 Мбит/с. учун 688 АҚШ долларигача пасайтирилди ва келгусида яна пасайтириб борилиши белгиланган. Агар таққослайдиган бўлсак, тарифлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 73 фоизга пасайтирилган.

Халқаро интернет тармоқларига чиқиш тезлигини 4 баробарга, яъни 10 Гбит/с. гача ошириш имконияти яратилди. Бугунги кунда интернет каналларининг умумий сифими 12,3

фоизга, қўшимча 465 Мбит/с.га оширилиб, 2 975 Мбит/с.ни ташкил этмоқда. Режага мувофиқ, август ойида тезлик 3750 Мбит/с.га етказилади.

Қўрилган ушбу чора-тадбирлар, истиқболли лойиҳалар самарасини қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин: бугунги кунга келиб мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 7,7 млн.га етди. Ўтган йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 2,94 млн.га тенг эди. Бундай сезиларли ўсишга эришилишида мобил интернетнинг салмоғи катта. Ҳозирда мамлакатимиз мобил алоқа операторлари орқали интернет хизматларидан 4,27 млн. нафар абонент фойдаланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунларига ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислон Каримов томонидан за-

монавий кенг форматли ва оптик технологияларни татбиқ этиш асосида телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялаш юзасидан қўйилган вазифаларни бажариш доирасида 2011 йилда қурилиши белгиланган 950 км. узунликдаги оптик алоқа линияларидан шу кунга қалар 432,45 километри қуриб битказилди.

2011 йили "Электрон таълим" миллий тармоғини қуришнинг биринчи босқичини тугаллаш ва республиканинг 79та олий таълим муассасасини ва кейинчалик барча олий таълим муассасалари ҳамда академик лицейлар, касб-хунар коллежларини ягона компютер ахборот тармоғига улашни таъминлаш режалаштирилган. Брифинг иштирокчиларининг таъкидлашича, ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи янги ўқув йили бошланиши билан ишга туширилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси 2011 йилнинг охиригача бутун мамлакат бўйлаб "ягона ойна" тамойили бўйича 50та брендлаштирилган абонент пунктларини жиҳозлашни амалга оширади. Ушбу пунктларда компания абонентлари телефон алоқаси, интернет-хизматлардан тортиб, то CDMA-450 стандартида мобил алоқа хизматларигача бутун хизматлар тўпламини олишлари мумкин бўлади. 1 сентябрга қадар Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида "ягона ойна" тамойили бўйича хизмат қўрсатувчи 26та абонент пунктлари очилади.

Яқин вақтда "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг UZONLINE лойиҳаси асосида мижозлар ва кичик бизнес субъектларига интернет тармоғига кенг форматли улашни бўйича янада арзон тарифлар таклиф этилиши кўзда тутилмоқда.

Брифингда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

Почта хавфсизлиги бўлинмасининг энг яхши техниги

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖда "Почта хавфсизлиги хизмати бўлинмасининг энг яхши техниги" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда очиқ акциядорлик жамиятининг филиаллари миқёсида ўтказилган танлов ғолиблари — 15 нафар қатнашчи ўз қорхонаси шарофтини ҳимоя қилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги ҳамда Почта хавфсизлиги хизмати ташкил этилганлигининг 10 йиллигига бағишланган мазкур тадбирда қатнашчиларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий билимлари, шунингдек, касб маҳоратлари яна бир бор жиддий синовдан ўтказилди.

Худди аввалги танловлардаги каби бу гал ҳам қатнашчиларга уч шартни бажариш топ-

ширилди. Биринчи — "Уйга вазифа" шартида техниклар ўзлари ва фаолият юритаётган қорхоналари ҳақида маълумот беришди. Ушбу шартнинг иккинчи қисмида эса улардан почта хизмати кўрсатиш самардорлигини ошириш, почта жўнатмалари ва ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича таклифлар бериш сўралди.

"Билимдон" ва "Санъаткор" шартларида техниклар ўз вазифасини қанчалик пухта эгаллагани, ижтимоий-сиёсий билимдонлиги, қолаверса, санъатта қанчалик ошнолигини نامойиш этишга ҳаракат қилишди.

Финалчилар ўз зиммаларидаги топширилган қанчалик удалашди — бунинг "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директорининг ўринбо-

сари Ислон Назаров бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Беллашувлар қизгин ўтди. Энг юқори балл тўплаган Бухоро филиали Янгибозор почта алоқаси тармоғи почта хавфсизлиги техниги Мурод Жумаев танловнинг мутлақ ғолиби деб топилди. Тошкент филиали Тўйтепа почта алоқаси тармоғи техниги Шоҳиста Раззоқова иккинчи, Хоразм филиали Янгибозор почта алоқаси тармоғи техниги Санобар Бўронова учинчи ўринни эгалладилар.

Ғолиб ва совриндорларга "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ раҳбарияти ва касба уюшмаси қўмитаси томонидан таъсис этилган мукофотлар топширилди.

Собит АХАДОВ, "Хабар" мухбири

UZ Milly domeni
Internet-Festivali
2011

Интернет-фестивалга старт берилди

Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган Миллий UZ домени интернет-фестивали шу йилнинг 10 августидан старт олди.

Танловда UZ доменида рўйхатдан ўтган сайтлар иштирок этади. Унда қатнашиш учун сайт эгалари, фойдаланувчилари фестивалнинг расмий веб-сайти — www.if.uz орқали ариза берадилар. Аризалар бериш муддати 10 августдан 10 сентябрга қадар давом этади.

Иштирокчи сайтларни баҳолаш учун интернет-технологиялар, санъат, маданият, давлат бошқаруви ва бошқа соҳалар мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати ташкил этилади. Ҳакамлар ҳайъати 10 сентябрдан 25 августга қадар 13та мавзули ва иккита махсус номинация бўйича энг яхши сайтлар номини аниқлайди. Шунингдек, танловнинг 13 йўналишида иштирок этаётган сайтларнинг белгиланган маълум муддатда энг кўп хост (мурожаат этилган) тўплаганлари WWW.UZ қидирув тизимининг махсус совринлари билан тақдирланади. Ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими Ахборот технологиялари ҳафталигининг биринчи кунини — 26 сентябр санасида ўтказилади.

Бу йилги интернет-фестивалнинг ўтган йилгиларидан фарқи — унда айрим янги номинациялар жорий қилинган. Жумладан, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги энг яхши сайт" йўналишида ҳам энг яхши сайтлар аниқланади.

Фестивални ўтказишдан мақсад мамлакатимизда интернет тармоғини янада оммавийлаштириш, тармоқдаги миллий контентни бойитиш, интернетда ўзбек тилидаги ахборотлар ҳажмини кенгайтиришга хизмат қилишдан иборатдир.



Худуди — 7,44 минг кв. км.
Аҳолиси — 2 млн. 305 минг киши.
Таркибида 1 шаҳар ва 11 туман бор.
Маркази — Наманган шаҳри.



Ютуқ ва муваффақият йиллари

Ўтган асрнинг 90-йилларида аҳолиси зич жойлашган Наманган вилоятида атиги бир дона халқаро алоқа канали бўлиб, абонентлар узоқ шаҳарлар билан сўзлашиш учун 2-3 кун аввал буюртма бериб, кечаси алламаҳалда гаплашиб, тунда уйларига кетишган. Тумандан келганлар кўпинча шаҳардаги қариндошиникида тунаб қолишга мажбур бўлишарди.

Вилоятда ilk бор 1995 йили Германиянинг "Alcatel" AG компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, ўзида маҳаллий ва шаҳарлараро замонавий телекоммуникация хизматларини мужасам этган рақамли комплекс ўрнатиб ишга туширилди. Халқаро ва шаҳарлараро каналлар сони кескин кўпайди. Кейинчалик Хитой Халқ Республикасининг кредити доирасида, "Huawei Technologies Co".Ltd. компанияси томонидан ишлаб чиқарилган рақамли телефон станциялари асосида умумий сигнми 112,0 минг рақамга мўлжалланган АТСлар шаҳар ва туман марказларида ишга туширилди. Шунингдек, Наманган шаҳрида рақамли станцияларни ўзаро боғловчи умумий узунлиги 70 км дан зиёд оптик толали алоқа линияси асосида халқа ташкил этилди. 2007 йилдан бошлаб қишлоқ телефон станцияларини ривожлантириш бўйича рақамли "Кинот-ЭЛ-СГМ" АТСлари асосида вилоятнинг барча қишлоқ станциялари модернизация қилиб келинмоқда. Ҳозирги кунга ушбу АТСлар 70дан ортиғи қишлоқларда ишга туширилди.

Наманган вилоятида 1991 йилда 3 та телевидение ретранслятори бўлиб, вилоят худуди телевидение сигнали билан 50 фоиз қамраб олинган, бир нафар ходим алоқа техникасига хизмат кўрсатган. 2006 йили Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарияти саъй-ҳаракати ва молиявий кўмаги билан Чуст тумани Сабзозор қишлоғи худудида баландлиги 75 метр бўлган антенна мачтаси қурилиб, ишга туширилди. Япония ҳамкорлик банки (JIBC) томонидан ажратилган кредит ҳисобига телевидение узаткичлар монтаж қилинди. Натияжада Чуст, Поп, Мингбулок, Наманган туманларида истиқомат қилувчи 450 мингдан зиёд аҳоли Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорациясининг ЎзТВ-1 ва ЎзТВ-2 телеканалларини томоша қилиш имкониятига эга бўлди.

Пойтахтимиздан водий томонга йўл олиб, Қурама тоғлар тизмасидаги "Қамчиқ" доводидан ошар экансиз, йўлнинг 2200 метр баландлигида ҳам вилоятимиздаги мавжуд бешта мобил алоқа операторларининг сифатли алоқа хизматларидан фойдаланишнинг имконини. Ziyonet ахборот таълим тармоғига "ЎзМобайл" филиали, "RWC" ва "East Telecom" корхоналари томонидан 3та олий таълим муассасаси, 107та коллеж, 11та академик лицей ва 616та мактаб, яъни таълим муассасаларининг 90 фоизи бепул уланди. Бу ишлар давом этмоқда.

Хукуватимиз топшириғи билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Наманган шаҳри марказида қурилган Хотира майдони шаҳримиз кўрғига-қўрқ қўшиб, муқаддас қадимжолардан бирига айланди.

ОАТ "Алоқабанк" Наманган филиалининг янги биноси шу йилнинг 5 май кунини фойдаланишга топширилди. Ша-



ҳар марказий кўчасида жойлашган банк биноси ўзининг нафис меъморий кўриниши билан узоқдан киши эътиборини жалб этади.

"Namangan telecom chogva-parranda" МЧЖ ходимлари чорвачилик ва паррандачилик бўйича ишларни йўлга қўйиб, бугунги кунда 56та швед қорамоли ҳамда браун классик зотли 5000 дона товуқни парвариш қилишмоқда. Ҳозирги кунга қалар 80 минг дона тухум етиштирилиб, алоқачиларга бозор нархидан 20 фоиз арзон нархда етказиб берилди. Балиқчилик бўйича "Ўзбектелеком" АК Наманган филиалига тегишли "Алоқа транспорт участкаси" худудида ташкил қилинган балиқчилик хўжалигида 120 кг. балиқлар боқилмоқда.

"Ўзбектелеком" АК Наманган филиали томонидан беш гектар ерга 1500 туп олхўри, 860 туп олма, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиали то-

монидан беш гектар ерга 820 туп олхўри, 660 туп олма кўчати ва 100 туп ёнғоқ кўчати экилди. Дараклар ораллиғига қартошқа экилиб, кузда алоқа ходимларига беғул тарқатиш режалаштирилган. Мақсадимиз — алоқачиларнинг дастурхонини тўқин-сочин қилишдир.

ЎзААА Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси Наманган вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Муствақиллигининг 20 йиллигига бағишланган уч босқичли "Саломатлик" дастури доирасида ҳамда 7 май — Алоқачилар кунини, 9 май — Хотира ва Қалрлаш кунига бағишлаб вилоятимиз алоқа соҳасини ривожлантиришга катта ҳиссасини қўшган Ҳамидулла Нурматов хотирасига бағишланган вилоят алоқа корхоналари ишчи-ходимлари ўртасида спартакиада ўтказилди.

Ватанимиз муствақилликка эришган 1991 йилда вилоят кутубхонасига янги адабиётлар олиш учун 63,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунинг ўзиде кутубхоначилигимиз фаолиятига Хукуватимиз томонидан катта эътибор берилганлигини далояти эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори кутубхонашунослик соҳасида муҳим рол ўйнади. Асосий ислохотларни бошлаб берган ушбу қарорга мувофиқ вилоят ҳокимлигининг Маданият ва спорт ишлари бошқармаси тасарруфидидаги кутубхона Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфига ўтказилиб, Республика ахборот-кутубхона марказига қарашли Нодира номли Наманган вилояти ахборот-кутубхона марказига айлантирилди.

Кутубхона 1975 йилда қурилган бўлиб, 2010 йилгача таъмирланмаган эди. Марказга айлантирилгандан кейин таъмирланиб, қўшимча 32та компьютер ўрнатилди, интернет ва Ziyonetга уланди. Ҳозирги кунда китобларнинг электрон каталогини яратиш мақсадида 154572 нуҳалаги китоб ИРБИС дастурига киритилди. Кутубхонанинг веб-саҳифаси ташкил этилган.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиали почта жўнатмаларининг аниқ тарификациясини таъминлаш мақсадида 190та электрон тарози билан жиҳозланди. 2006-2009 йиллар давомида 13та янги автомобил сотиб олинди ва ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган автоуловлар сони 32тага етказилди. Хабарчилар 218та велосипед билан таъминланди. Авваллари бир дона ҳам компьютер бўлмаган филиал ва тармоқларда 165та компьютер ўрнатилиб, ишга туширилди. Соҳада асосий эътибор янги ноанъанавий хизмат турларини жорий қилиш ва мавжуд хизматларни жадаллаштиришга қаратилмоқда. Хусусан, филиал таркибидаги барча почта алоқаси тармоқларининг марказий бўлимлари ҳамда 54та почта алоқаси бўлимидаги жами 66та иш ўрнида "Электрон пул ўтказмалари" хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган бўлиб, фойдаланувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунингдек, Наманган шаҳар ва Чортоқ туман почта алоқаси тармоқларида ташкил этилган "Интернет-кафе" да интернет, компьютерлардан фойдаланиш, факс, нусха кўчириш хизматлари кўрсатилади. Наманган шаҳрида "Курьерлик хизмати" ташкил этилган. Барча ПАТнинг марказий бўлимлари ҳамда 152та почта алоқаси бўлимида, жами 165та почта алоқаси объектида банк терминаллари ўрнатилган бўлиб, аҳолидан пластик картончалар орқали тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилган.

Ўтган даврда Поп туман почта алоқаси тармоғида "Damas" автомашинасида "Кўча алоқа бўлими" ташкил этилиб, туманнинг ўнга чека қишлоқларига почта алоқасининг универсал хизматлари ва бошқа қўшимча хизматлар кўрсатиляпти. Почта корхоналари баландлигидаги биноларнинг бўш турган хоналарини талбиркорларга ижарага бериш ҳисобига ўтган йилда 24та янги иш ўрни ташкил этилди.

Муствақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида вилоятдаги соҳага оид 11та касб-ҳunar коллежининг 690 нафар битирувчисидан "Ўзбектелеком" АК Наманган филиали 119 нафари билан, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиали эса 46 нафари билан, жами 165та уч томонлама шартнома тузиб, ҳозирги кунда 72 нафар битирувчи шартнома асосида ишга қабул қилинди.

Вилоятда алоқа соҳасининг ривожланишига катта ҳисса қўшган устозларнинг меҳнатларини алоҳида эътироф этиш зарур. Жумладан, раҳматли Ҳамидулла Нурматов, Камол Бокиев, ҳозирда ўзларининг маслаҳатлари билан бизларга ёрдам бераётган фахрийларимиз М.Мамадалиев, Х.Солибоев, Е.Антонов, В.Абдуллоев, Р.Тургунов, С.Қосимов, Ҳ.Муминовлар ва яна кўп устозларнинг фидокорона меҳнатлари тўғрисида вилоятимиз алоқа соҳаси етакчи ўринларга чиққанлигини ёшларимиз унутмасликлари керак.

Шамсиддин ТОШТЕМИРОВ,
 ЎзААА Наманган вилояти
 ҳудудий бошқармаси бошлиғи

ВИЛОЯТДА:

• 2100дан ортиқ алоқа ходимлари меҳнат қилмоқда.

• Электрон рақамли АТСлар сони — 102та.

• Почта алоқаси бўлимлари — 203 та.

• Мағбуот дўконлари — 110 та.

• 450 км.дан ортиқ маофага оптик толали алоқа линиялари тортилган.

• Мобил алоқа абонентлари сони — 1,4 миллиондан ошди.

• Интернетдан фойдаланувчилар сони — 230 мингдан ошди.



9 август — Apple расман жаҳоннинг энг йирик компаниясига айланди. Eхon Mobil Corp нефт-газ компанияси ортда қолдирилди. Экспертлар Apple акциялари баҳосининг ошиб кетишида бир неча ҳафта муқаддам тақдим этилган чорак ҳисоботи натижалари катта рол ўйнаганини эътироф этишмоқда.

Apple —

ЖАҲОННИНГ ЭНГ БОЙ КОМПАНИЯСИ



Аниқроқ айтганда, ўсиш 17 фоизни ташкил этиб, жаҳоннинг етакчи ахборот технологиялари компанияси бир акцияси 369,89 долларга баҳоланган. Йил бошига таққослаганда, iPhone ва iPad савдолари барқарорлиги ҳисобига акциялар 13 фоизга қимматлашган.

Инқироз ёқасида турган Арренинг сўнгги 14 йил мобайнида жаҳоннинг энг қimmat бизнес тизимига айланишида, ҳеч шубҳасиз, компания етакчиси Стив Жобснинг хизматлари катта бўлди. Агар 14 йил аввал компания фаолияти бор-йўғи ўзида тайёрланган компьютерлар ва бир неча хил дастурларни сотишдан иборат бўлса, бугунги Apple рақамли мусиқа, смартфонлар, интернет-планшетлар бозори карвонбошиси, қолаверса, компьютер бозоридаги ишлари ҳам чакки эмас.

Apple ўтган асрнинг 90-йилларида ўзини бозордан чиқариб юборган Microsoft, IBM ва Intel каби ахборот технологиялари гигантларини сўнгги йилларда капиталлаштириш даражаси бўйича ортда қолдирди.

Биржалардан олинган сўнгги хабарларга кўра, Apple 340 млрд. долларга баҳоланяпти (Eхon — 338 млрд.). Компания ахборот технологиялари бозорига муваффақиятли қай-

тишини iPod плеерлари ва iPhone смартфонларининг чиқарилиши билан изоҳламоқда. Эслатиб ўтамиз, биринчи iPhone 2007 йили бозорга чиқарилган.

Маълумотларга кўра, яқин йилларда Apple компьютер бозоридаги савдо ҳажмини икки баравар оширади ва iCloud фойдаланувчинини жалб этиш имкониятига эга.



АТ-хабарлар

➤ Безакчи-рассом, ижодий дастурчи Фредерик Бродбек кинофилмларнинг визуал "бармоқ излари" тизимини ишлаб чиқди.

Ҳап филмдаги монтаж, ранглар, гаплар ва ҳаракатлар ҳақида бормоқда. Кино видео, аудио ва субтитрларга бўлинади, кадрма кадр компонентлар ишланиб, қаерда монтажданинг "қўли" бор, сахнадаги ҳаракатлар сони қанча, қанақа ранглар ишлатилган — буларнинг барига айдинлик киритилади.

Бу тизим, масалан, бир филмининг асл нусхаси ва кўчирмасини солиштиришда, бир хил жанрдаги киноасарларни, бир режиссёрнинг кўплаб филмларини таққослашда қўл келиши айtilган.

➤ Net Applications компанияси амалиёт тизимлари бозорининг июл ойидаги ҳолатига баҳо берди.

Статистика ўтказилаётганидан бери илк марта Windows XPнинг улуши 50 фоиздан пасайди: 49,7 фоиз. Иккинчи ўринда Windows 7 — 27,9 фоиз, учинчи ўринда Windows Vista — 9,3 фоиз. Умуман олганда, Windows оиласига соҳанинг 87,6 фоизи тўғри келмоқда. Mac OS X платформаси 5,6 фоиз, iOS мобил амалиёт тизими 3,0 фоиз, Linux очиқ амалиёт тизими эса бозорда 1 фоиздан кам улушга эга.

➤ Карточкалардан фойдаланиб интернет-харидларни амалга ошириш ўрнини видеокамералар орқали тўлов тизими эгаллаши мумкин. Калифорниянинг Jumio компанияси томонидан ишлаб чиқилган янги NetSwipe тўлов тизими ҳар қандай веб-камерани карточкалар учун ридерга айлантира олади.

Тизимнинг энг катта афзаллиги карточка маълумотларини хотирасида сақлашдир — бу билан маълумотлар хавфсизлиги таъминланади.

Энди ҳамма гап банкларда — улар бу каби ноодатий тизимлар орқали амалга оширилган транзакцияларни қўллашадими-йўқми, бу ҳозирча номалум.

➤ Ўтган ой Apple Safari интернет-браузерни бозор улуши ўсиши бўйича рекорд кўрсаткича эришиб, бу борада аввалги пешқадам — Google Chromедан ўзиб кетди.

Нафақат компьютерлар, балки iPad ва iPhoneда ҳам қўлланувчи Safari бозорнинг 8,1 фоизини ўзиники қилиб олгани бу браузер учун мутлақ рекорд саналади.

Деярли бир фоиз йўқотишга учраган Microsoft Internet Explorer ҳозирча бозорнинг 52,8 фоизини назорати остида сақлаб турибди. Қолганларда эса вазият қуйидагича: Mozilla Firefox — 21,5 фоиз, Google Chrome — 13,5 фоиз, Opera — 1,7 фоиз.

➤ Adobe компанияси анимацияли веб-контент яратиш учун HTML5, CSS ва JavaScript каби веб-стандартлардан фойдаланувчи Adobe Edge дастурий ишланмасини тақдим этди.


Adobe Edge шу пайтгача ишлатиб келинган Flash ўрнини эгаллаши ҳам мумкин.

➤ Хитой ҳукумати маълумот тарқатишича, ўтган йили мамлакат сайтларига 500 мингга атрофида киберҳужум уюштирилган ва уларнинг ярми четдан амалга оширилган. Бу Хитойни хакерларни қўллаб-қувватлашда айблаган аксарият мамлакатларга берилган ўзига хос жавоб бўлди.

➤ Июл ойида COM домен ҳудудиди 1,2 млн. долларлик савдо амалга ошди. DomainNewsнинг хабарига кўра, ойнинг энг қimmat домени 275000 долларга баҳоланган Grid.com бўлди. Top-15га, бундан ташқари, 242500дан 25 минг долларгача баҳоланган DownloadMusic.com, OnlineDegree.com, Minus.com, Sadara.com, DSAA.com, Minsk.com, Bowl.com каби доменлар киритилди.

➤ Келгуси йили "суддан кўрқмайдиган" китоблар чиқарилиши кутуляпти. Саҳифаларнинг махсус полимер билан қопланиши сиёҳ (бўёқ)ни чаплиниб кетишдан, қоғозни эса намланиш ва йиртилишдан сақлайди. Шу ўринда эслатма, бу технология анча йиллардан бери Австралия банкларида қўлланилаётган эди, яъни қоғоз пуллар шу тариқа чоп этиляпти.

Домен нархини ўзингиз белгилайсиз



Хоразм вилоят ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб адабий-бадий кеча ўтказилди. Тадбирга вилоятимизнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари ташриф буюришди. Тадбирни АКМ директори Р.Қурбонов очиб, иштирокчиларни мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан муборакбод этди.

Улуғ маскан

Вилоят АКМ жамғармасини тўлдириш бўлими бош кутубхоначиси С.Полвонова кутубхона фаолиятида мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар билан қатнашчиларни таништириб ўтди. Кутубхона ҳаёти, ходимлари ва бўлимлари ҳақидаги маълумотлар видеолавларда намойиш қилинди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси, шоира Г.Ибодуллова Ватан туйғуси, эрк, истиқлол нашидаси ва зиё маскани саналмиш кутубхона ҳақида сўз юритди.

"Хоразм зиёкори" газетаси бош муҳаррири И.Аллаберганов "Хоразм" шеърини ўқиб, юртдошларимизни қутлуг айём билан қутлади. Қурбон Муҳаммадризо Ватан мадҳи акс этган шеърларидан ўқиди. Урганч шаҳар 5-умумтаълим мактабининг ижодкор

ўқувчилари тадбирда фаол иштирок этиб, "Энг фаол китобхон" дипломи билан тақдирландилар.

Шунингдек, Урганч автотомобил йўллари коллежи ўқувчилари томонидан Амир Темур, Бобур, Навоий, Авлоний сингари буюк сиймолар образлари гавдалантирилди. Кечага ташриф буюрган Хоразм вилоят кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти қайта тайёрлов курси тингловчилари ўртасида ўтказилган "Ватан ягонадир — Ватан биттадир" мавзудаги иншолаш танлови ғолиблари фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Хоразм вилоят АКМда кўп йиллардан буён ишлаётган ходимларга ҳам фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

С.ПОЛВОНОВА

Нурли оила

Ҳа, 1961 йилнинг 18 июл тонги кимдир учун осуда, яна кимдир учун қувончли кун бўлди. Дунёга эндигина келган чақалоқнинг серташвиш "инга"си Муяссар опа ва Катепжон ака оиласини Андижоннинг эски шаҳар ҳудудидаги бахтли оилалардан бирига айлантирди.

Фарзандга Замирахон деб исм қўйдилар. Ўша чақалоқ бугун самимий ва дилбар аёл Бобур номидаги ахборот-кутубхона маркази илмий-услугабат бўлими муdiri лавозимида фаолият олиб бораётган Замирахон Шаҳобитдиновдир.

Маданият институтининг кутубхоначилик иши факультетини битирган З.Шаҳобитдинова Андижон вилоят кутубхонасида библиограф вазифасида иш бошлаган. Мана 30 йилдирки, шу ерда самарали меҳнат қилмоқда. Тинмай изланишда, Марказ ходимларига ўз иш тажрибаларини, касб маҳоратини сингдириб, шоғирлар тайёрламоқда.

Замирахон библиограф, бош библиограф, ҳуқуқий ахборотлар бўлими, ўлкашунослик ахборотлари бўлими, ахборот-библиография бўлими муdiri, илмий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари вазифаларида тобланди. Тўрт йил давомида маълумот-библиография бўлимини касаба уюшмаси кўмитаси билан бирга бошқарди. Кутубхона жамоасининг маданий-маърифий дам олишида, ижтимоий ҳимоялаш ишларида жонбозлик кўрсатди.

Ҳозирги кунда ҳам ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ишини замон талаблари даражасида янада ривожлантириш, ахборот-кутубхона муассасаларида замонавий ахборот технологиялари ёрдамида ноанаънавий хизмат кўрсатиш шаклларининг татбиқ этилишига услубий раҳбарлик қилмоқда.

Замирахон Шаҳобитдиновани кўп сонли китобхонлар ва жамоамиз номидан 50 ёши билан муборакбод этамиз.

Бобур номидаги Андижон вилоят АКМ жамоаси

Янги "Матбуот" дўконлари

Навоий вилоят саҳродаги марварид каби гўзал гўша. Гулзорга айланган бетакрор шаҳар ва туманлардаги ҳар бир ўзгариш киши кўзини қувнатади. Ҳар куни эрта тонгдан ишга отланар эканмиз, албатта, кундалик янгиликлардан хабардор бўлиш учун газета харид қилишга одатланганмиз.

Кейинги ойлarda эски, оддий пастак газета дўконлари ўрнини замонавий, кўркам, ўзига хос тарзда тайёрланган матбуот дўконлари эгалламоқда.

— Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда "Навоий матбуот тарқатувчи" шўба корхонаси тасарруфидаги "Матбуот" дўконлари янги қиёфа кашф этмоқда, — дейди шўба корхона раҳбари Шаҳриёр Рустамов. — "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси томонидан ажратилаётган бундай шаҳарсозлик андозаларига мос, ўзига хос меъморчилик санъати билан тайёрланган маърифат дўконларидан 8тасини ҳозирги кунга қадар олиб келиб ўрнатдик. Яқиндагина вилоят марказий кўчаларининг бирида, 16-мактаб ёнида ва вилоят "Микрокредитбанк"и қаршисига ўрнатилган ана



шундай маърифат дўконлари ҳам шаҳар хуснига хусн қўшганидан мамнунмиз.

Дарҳақиқат, қишин-ёзин, жазирама иссиқ ёки қор-қировли кунларда халққа хизмат кўрсатишга мўлжалланган дўконлардан 48таси вилоятимизнинг Навоийдан Томдигача бўлган олис масофаларини қамраб олган. Уларда ўз ишининг филойилари бўлган Моҳира Эгамовича, Мавлуда Абдуллаева,

Наим Очилов, Моҳира Аъзамова, Хайринисо Пирматова, Дилора Ҳасанова, Ҳилола Худойбердиевалар маърифат тарқатишдек эзгу мақсад йўлида хизмат қилмоқда. Истиқлолнинг 20 йиллик тўйини "Матбуот тарқатувчи"лар ёруғ юз билан кутиб олишяпти.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

"Ёш суғуртачи"лар танлови

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги олдида Китоб туманида жойлашган "Алоқачи" ёзги болалар дам олиш оромгоҳида "Алском" суғурта компаниясининг Қашқадар филиали ҳамда "Ҳумо" бўлинмаси томонидан "Ёш суғуртачи" кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танловда оромгоҳда дам олаётган болалар суғурта тўғрисидаги билимларини намойиш этдилар. Тадбир жараёнида компаниянинг вилоят филиали директори ўринбосари А.Раҳмонов, "Ҳумо" бўлинмаси бошлиғи М.Фаниевалар "Алском" суғурта компанияси ва унинг мақсад ва вазифалари тўғрисида маълумот бериб, болажонларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Кўрик-танлов иштирокчиларига суғурта компаниясининг фахрий ёрлиқлари ва эс-далик совғалари топширилди.

Эътиборли томони, оромгоҳда дам олувчи болаларнинг барчаси мавсум давомида компаниянинг "Ҳумо" бўлинмаси томонидан суғурта қилиниб, уларга суғурта полислари топширилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Марғилон шаҳридаги "Ёвқочар" маҳалла аҳли Марифжон аканинг исмига "ҳайдовчи" сўзини қўшиб айтишга одатланишган. Чунки Марифжон ака қирқ йилдан ортиқ мuddат маҳалла, ҳамшаҳарлари хизматини адо этиб келяпти.

1998 йилдан буён "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фаргона филиали Марғилон почта алоқаси тармоғида ишламоқда.

— Алоқа хизмати кундан-кунга такомиллашиб, мижозларга кўрсатилаётган почта хизмати турлари кўпайиб бормоқда, бу янада масъулият ва ташаббускорлик билан меҳнат қилиш мизни тақозо этади, — дейди Марифжон Мадмаров. — Почта алоқаси тармоғидаги 14та бўлимга ҳар куни газета

Ҳайдовчи

ва журналлар, хатларни ўз вақтида етказишга эришяпмиз.

Марифжон ака турли корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ўнлаб шоғирларни ҳақида тўлқинланиб сўзлаб берди. Уларнинг мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётганидан беҳад хурсанд эканлигини билдирди.

— Марифжон ака ширинсуханлиги, топшириқларни ўз вақтида бажариши билан ажралиб туради, — дейди почта алоқаси тармоғи бошлиғи Абдулазиз Ўлмасов. — Шунинг учун ҳам жамоамиз аъзолари ўртасида ҳурмат-эътиборга эга. Жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда.

Марифжон ака шу кунларда 60 ёшини қарши олди. Уни маҳалладошлари, ҳамкасблари қутлуг ёши билан сидқилидан табриклашди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

СПОРТСЕВАРЛАРНИНГ БАЙРАМОЛДИ БАҲСИ

Вилоят алоқа корхоналарида хизмат қилаётган ходимларнинг бир неча спорт турлари бўйича галдаги баҳси Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланди.

ОАТ "Алоқабанк"нинг Сурхондарё филиали волейболчи қизлари маҳорат бобида яна ўзларини кўрсатишди. Учрашув ҳақами, спорт фахрийси Сергей Агавеляннинг таъкидлашича, рақибларнинг биронтаси уларга тенг келишолмади. Севара Эшмуродова, Муҳаббат Валиева, Сабоҳат Кучарова, Замира Раҳмонкулова, Умида Холматова ҳамда

Гавҳар Жўраевдан иборат кучли гуруҳ ҳаракати катта муваффақиятни таъминлади.

Алпомииш ўйингоҳида бўлиб ўтган байрамолди баҳсида "Ўзи-Термиз" филиалининг спортсевар ёшлари ҳам фаол иштирок этишди. Мавлудахон Наримонова шахматчилар, Шарофиддин Тангиров эса стол тенниси беллашувларида фахрли ўринларни эгаллашди. Шунингдек, "Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали ва вилоят радиотелевидение узатиш маркази жамоалари яхши натижаларга эришди.

Ҳолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Умида БЕКНАЗАРОВА,

Сурхондарё вилояти алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси кўмитасининг спорт позир

ОЛИМПИАЧЛАРИМИЗНИНГ ГАЛАБАСИ



Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Киевда ўтказилган Валерий Лобановский хотира турнири ғолибига айланди.

Куръага кўра, дастлаб сербияликларга қарши тўп сурган футболчиларимиз 2:0 ҳисобида зафар қучиб финалга чиқишди. Исроилликларни 3:0 ҳисобида доғда қолдирган Украина ёшлар термаси бизга рақиб бўлди.

Мазкур қарама-қаршиликда майдонда тенг кураш кузатилди ва асосий вақтда ҳисоб очилмади. Омадли жамоани пеналтилар серияси аниқлаб берди:

- Ислом Тўхтаўжаев (1:0) - Денис Гармаш (1:1)
- Акбар Исмаилов (2:1) - Евгений Ткачук (2:2)
- Фозил Мусаев (3:2) - Сергей Кривцов (3:3)
- Кенжа Тўраев (4:3) - Дмитрий Еременко (4:4)
- Виктор Мочалов (5:4) - Роман Безус (5:5)
- Зоҳир Пиримов (6:5) - Дмитрий Гречишкин (6:6)
- Салим Мустафоев (7:6) - Юрий Путраш (7:7)
- Абдуқаҳҳор Ҳожиакбаров (8:7) - Александр Бабырь (8:7, дарвозабон).

Таътил завқи

Болаликнинг бахтиёр дамлари унутилмайди. Айниқса, ёзги таътилда сўлим оромгоҳларда мириқиб дам олишнинг ўзгача гашти бор. Бу йилги ёзги мавсум навоийлик алоқа ходимлари фарзандлари учун ҳам таассуротларга бой бўлди. Бутун ёз мавсумида алоқа соҳасидаги ташкилот ва корхоналар ишчи-ҳодимларининг 225 нафар ўғил-қизлари республикамизнинг турли ҳудудларида жойлашган оромгоҳларда дам олиши ташкиллаштирилди. Жумладан, болажонлар Тошкент вилоятидаги "Конструктор" ва "Алоқачи", Бухоро вилоятида жойлашган "Ёш алоқачи", Навоий вилоятидаги "Нимкон", "Дўстлик" ва олис Қизилқумнинг Томди туманида жойлашган "Арай" болалар оромгоҳларида мириқиб ёз гаштини сурдилар.

Сўлим соғломлаштириш оромгоҳларида болажонларнинг дам олишлари, спорт билан шуғулланишлари, маданий ва маърифий тадбирларда иштирок этишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилди. Турли кўрик-танловлар, учрашув ва балий кечалар ёшларнинг билимини, дунёқарашини, тафаккурини ўстиришга ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, оромгоҳларда турли вилоятлардан келган

болалар билан дўстлашиш, бир-бирдан ўрганиш ҳам ёшларга қанот бўлмоқда. — Тошкент вилоятида жойлашган "Алоқачи" оромгоҳида алоқачилар фарзандларининг жисмоний баркамол, дунёқарашини кенг ва маънан етук бўлиб ўсишларида хизмат қиладиган Болалар олимпиадаси ташкил этилди, — дейди вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси спорт йўриқчиси Умиджон Обидов. —

Мазкур спартакиадада оромгоҳда дам олаётган 13 нафар навоийлик ёшлар иштирок этишди. Навоий шаҳридан Шоҳжаҳон Олимов, Дамир Ҳайдаровлар футбол, қизилтепалик Аббор Исмоилов шахмат, навоийлик энг ёш иштирокчи Ҳилола Боликулова шашка бўйича қатнашиб, ўз иқтидорларини намойён этиб, тенгдошларига намуна бўлишди.

М.ҲОСИЛОВА

Қисқа сатрларда:



Ўзбекистон футбол федерацияси расмий сайтининг хабарига кўра, испаниялик 37 ёшли Хосе Мария Пазос Мендес футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоасига бош мураббий этиб тайинланган. Мини-футбол ассоциацияси мутасаддиларининг берган маълумотига кўра, мураббий 15 август куни меҳнат шартномасига имзо чекади.

Мендес сўнгги тўрт йил мобайнида Таиланд ва Ветнам терма жамоаларида фаолият олиб борганди.

10 август куни дунёнинг бир қатор мамлакатларида ФИФА куни муносабати билан ўртоқлик учрашувлари бўлиб ўтди.

Қозоғистон термаси Сурия билан дуранг ўйнаган бўлса, Россия термаси Сербияни кичик ҳисобда мағлубиятга учратди.

Германияда Лёв шогирдлари кимсан Бразилиядан 3:2 ҳисобида устун келишди. Италия бўлса, амалдаги Жаҳон чемпиони Испанияни 2:1 ҳисобида доғда қолдирди.

Натижалар:

Япония - Жанубий Корея 3:0, Қозоғистон - Сурия 1:1, Озарбайжон - Македония 0:1, Россия - Сербия 1:0, Литва - Арманистон 3:0, Латвия - Финляндия 0:2, Беларус - Болгария 1:0, Венгрия - Исландия 4:0, Украина - Швеция 0:1, Норвегия - Чехия 3:0, Туркия - Эстония 3:0, Австрия - Словакия 1:2, Польша - Грузия 1:0, Сан-Марино - Руминия 0:1, Уэльс - Австралия 1:2, Словения - Белгия 0:0, Шотландия - Дания 2:1, Ирландия - Хорватия 0:0, Франция - Чили 1:1, АҚШ - Мексика 1:1



Пекин шаҳрида АТР мусобақалари тақвимида киритилган "Челленжер" туркумидаги халқаро турнир ватандошимиз Фаррух Дўстовнинг галабаси билан якулланди.


Теннисчимиз бош совринни кўлга киритиш учун кетма-кет беш учрашувда зафар қучди. Дастлабки босқичда россиялик Денис Мацукевич, кейинчалик хитойлик Ли Чже, испаниялик Гилермо Оласо, исроиллик Дуди Села ва финалда Хитой Тайпейи вакили Цун-Хуа Янг мағлубиятга учратилди.



Америкалик сузувчи, кўплаб рекордлар соҳиби Майкл Фелпс жаҳон чемпионатларида бошқа иштирок этмаслигини билдирди. 26 ёшли спортчининг айтишича, Шанхайдаги 4x100 метрга комплекс усулда эстафета сузиш мусобақалари у учун охириги жаҳон чемпиони мусобақаси бўлган.

Афтидан Фелпс галабалардан тўйганга ўхшайди. Ҳисоблаб кўринг-а, Фелпс жаҳон чемпионатларида 26та олтин, бта кумуш ва 1та бронза медални кўлга киритган. Олимпия ўйинларидан эса 14та олтин ва 2та бронза медали бор.

Фото-хабар



Формула-1 мусобақаларининг етти карра чемпиони Михаэл Шумахер фаолиятини якунлаши мумкинлиги ҳақида Италия матбуоти бонг уряпти. Бу шов-шувларни собиқ чемпионнинг ўзи ҳам қисман тасдиқлаган. 42 ёшли спортчининг айтишича, ҳозир у аввалгидек спорт формасида эмас, қолаверса, жамоаси фаолиятида ҳам силжиш йўқ.

RIYOYAT

Ҳақимлар султони Абу Али ибн Синонинг вилоятларга ҳам чиқиб, беморларни даволайдиган одати бор экан. Ана шундай сафарлардан бирида у Хоразмга келибди. Улуғ табиб

келганини эшитган одамлар даво истаб бирин-кетин келиб, ўз дардларига шифо топа бошлабдилар.

Бир куни ҳақим эрталаб ҳовлига чиқса, бир қанча беморлар уни кутиб туришган экан. Улар орасида озгиндан келган бир йигит алоҳида ажралиб турар, унинг жағи қийшайиб, илмоғидан чиқиб кетган экан. Йигит аҳволидан уялиб, ўзини бир четга олиб тураркан.

— Ҳўш, сен нега келдинг? — сўрабди Ибн Сино йигитга яқинлашиб. — Қани, ташқарига чиқ. Мен сен каби беморларни қабул қилмайман.

Жағи чиққан бемор ҳарчанд дардини тушунтиришга ҳаракат қилса ҳам бўлмабди, ундан гўлдиришдан бошқа товуш чиқмабди. Шунда табибнинг икки шоғирди икки томонидан ушлаб, бир четга олиб ўтишибди. Ибн Сино эса келиб, унинг жағига зарб билан бир трасаки туширибди.

Йигитнинг жағи жойига тушибди. Тарсакидан йигитнинг хўрлиги келибди:

— Мен сизнинг олдингизга даво истаб келган эдим, сиз бўлсангиз менга тарсаки туширдингиз, — дебди у йигламси-

раб. — Табибнинг ургани ҳам даво, — дебди Ибн Синонинг шоғирларидан бири. — Қара, бир уриб жағингни жойига туширди. Боя фикрингни тушунтира олмаётган эдинг. Энди бинойидай гапиряпсан. Йигит дарддан фориг бўлганини ҳис қилиб, улуғ ҳақимга таъзим қилибди.

Табибнинг тарсакиси



SO'RAGAN EDINGIZ

Савол:

— Яқин қариндошимнинг ота-онаси бошқа давлатда вақтинчалик иш фаолиятларини олиб боришмоқда. Уларнинг вояга етмаган фарзанди туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасини йўқотганлиги сабаб, гувоҳномани такрорий олиш тартиби қандай бўлади?



Р. ШАРОПОВА,
"ЎЗИ-Қарши" филиали
ЗАТС КРОСС электромеханиги

Жавоб:

— Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қондаларига кўра, ота-онаси бўлмаган тақдирда, вояга етмаган шахсларга ёки паспорт олмаган шахсларга туғилганлик ҳақидаги такрорий гувоҳномалар ушбу шахснинг фотосурати ёпиштирилган, яшаш жойидлаги фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи ёки мазкур шахс таълим олаётган таълим муассасаси томонидан тақдим этилган маълумотнома асосида берилади.

Зилола ХИДИРОВА,
Қашқадарё вилоят
ФХДЕ архиви инспектори

Ханга

Менежер билан мураббий табиат кўйинига дам олгани чиқишибди ва бир масалада таттишиб қолишибди — клубда менежер катта ми ёки тренер? Охири, ёнларидан ўтиб кетаётган бир чўпонни қақришибди:

- Менга қаранг, отахон, айтгинчи, туя катта ми эчкими?
- Туя катта.
- Ҳўп, қўй катта ми ҳўкизи?
- Ҳўкиз.
- Яхши, қани айтгинчи, тренер катта ми менежер?
- Йўқ, унақа ҳайвонларни билмайман, — деб жавоб берибди чўпон.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиали Булоқбони почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқ технологиялари муҳандиси Маҳамматвали ОРЗИЕВни кутлуг 57 ёши билан табриклайди. Унга сўхат-саломатлик, узоқ умр тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали Қизирик телекоммуникациялар боғламаси жамоаси боғлама диспетчери Нурмаат Шерматовни 50 ёшга тўлиши муносабати билан табриклайди. Унга узоқ умр, фарзандлари роҳатини кўришини тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик ишлари бўлими бошлиғи Муҳаммадҷон ҲАКИМОВни 55 ёши билан чин дилдан табриклайди. Унга мустақкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлари камолини кўришлигини тилайди.

SALOMATLIK SIRLARI

Банан



Бананни севиб истеъмол қилмайдиган одам топилмаса керак. Зеро, банан нафақат мазали ва тўйимли, балки шифобахш мева ҳамдир.

Агар инсон ҳар куни наҳорда биттадан банан истемол қилса, у қабзиятдан халос бўлади. Банандан бўғимлар оғриғида ҳам фойдаланиш мумкин.

Бунинг учун тўртта банан пўстлогини майда қирқиб устига уч стакан 40 даражали ароқ қуюсиз ва бир ой қоронғу жойда сақлайсиз. Тайёр малҳамни уйқудан олдин оғриган жойингизга суртсангиз бўлади.

Дўлана



Юрак қон-томир касалликларини даволашда дўлана энг самарали восита ҳисобланади. Британиялик кардиологлар кўп йиллик тажрибаларидан келиб чиқиб таркибида дўлана бўлган препаратлар қон алмашинувини яхшилаб, қон босимини туширишини аниқлашган. Шунингдек, дўлана ревматизм, ҳарсиллаш, бош оғриғи, қандли диабет каби касалликларни даволашда яхши ёрдам беради.

Бунинг учун дўланандан тайёрланган коктейл максалга мувофиқ. Коктейлни тайёрлаш учун дўлана, қора смородина, брусника япроқларидан тенг миқдорда олиб, туйилади. Аралашманинг бир қошигини 1 стакан қайноқ сувага солиб, 30-40 дақиқа тиндириб қўйилади. Тайёр бўлган дамлама докада сузилиб, ярим пиёладан кунига уч маҳал овқатдан олдин ичилади.

Асал



Асал халқ таботати тавсия этадиган шифобахш неъматларнинг энг фойдалисидир. Қадимда табиблар асалга бежизга "Узоқ умр малҳами", "Ҳаёт шарбати", дея баҳо беришмаган.

Ибн Сино бобомизнинг айтишича, навқиронликни сақлаб қолиш учун асал истеъмол қилиб туриш керак. Айниқса, ёши улуг инсонлар учун у беаҳо шифо ҳамда қувват манбандир. Асал шамоллаш, асаб тўқималари касалликлари ҳамда ҳолсизликда яхши даво бўлади.

Асал болалар ва кексаларга, танасида модда алмашинуви бузилган инсонга бирдек фойдали. Лекин уни ейишда меърага амал қилиш лозим. Яъни, катта ёшдагилар бир кунда 100-150 грамм, ёш болалар эса 30-40 граммдан истеъмол қилсалар мақсадга мувофиқ.

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусанд КҮЧИМОВ</p>	<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Ҳақим МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асадҷон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувои НАҲБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдувайн АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p>
	<p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикрларидан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Тижорий материал — ● Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>	<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақам билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p> <p>Газета ҳафтанинг жума куни чиқади</p> <p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Миязил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p> <p>G-852 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Адади: 14452 нусха.</p> <p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиши вақти — 20.00.</p>
<p>Вилоят муҳбирлари:</p> <p>Андижонда 226-47-80</p> <p>Бухорода 223-27-85</p> <p>Гулистонда 40-12-19</p> <p>Жиззахда 226-06-34</p> <p>Навойда 225-91-10</p> <p>Наманганда 226-61-85</p> <p>Нукусада 554-35-45</p> <p>Самарқандда 233-61-81</p> <p>Термизда 224-06-12</p> <p>Тошкентда 288-40-66</p> <p>Урганчда 226-37-16</p> <p>Фарғонада 224-91-56</p> <p>Қаршида 314-08-99</p>	<p>1 2 3 5</p>	